

1995 йил қузида қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган Устурт саҳросининг Қийиксий кенгликларида Марказий Осийда энг йирик Қўнғирот сода заводининг пойдевори қўйилди.

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 4 октябр, сешанба № 163 (2004)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЛАЙЗИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

КУАЛА-ЛУМПУР, 3 октябр. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон раҳбарининг Малайзия Қироли билан суҳбати бўлди. Зоти олийлари билан мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб ҳалқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон раҳбарининг Малайзия Қироли билан суҳбати бўлди. Зоти олийлари билан мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб ҳалқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

гациялари иштирокида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга оид масалаларнинг амалий муҳокамаси бўлди.

Президент Ислам Каримов Малайзия Бош вазирини Абдулла Бадавий билан учрашди. Тор доирада кечган ушбу суҳбатда томонлар ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ҳамкорлик изчил ривожланаётганини, ани пайта савдо-иқтисодий алоқаларининг бугунги ҳолати икки мамлакатни ҳам қониқтирмадиганини таъкидлади.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида ҳукуматлараро қўшма баёнот қабул қилинди. Шунингдек, Ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, Савдо бўйича қўшма қўмита тўғрисидаги, Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги, Минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро ахборот тўғрисидаги меморандумлари, Алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасида оид ҳукуматлараро ахборот протоколи, Хавфсизликни таъминлаш ва террорчиликка қарши курашишда ҳамкор-

лик тўғрисида ахборот тўғрисидаги меморандуми имзоланди.

Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов Малайзия ташқи ишлар вазири Саййид Ҳамид Албар билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-Малайзия муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари, ҳалқаро ва минтақавий муаммоларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

"Ишонч"га жавоб берадилар

"КАСАБАҚЎМ РАИСИ КИМ?"

Газетанинг шу йил 13 сентябр сониде ушбу сарлавҳа остида мақола босилган эди. Унда Қасби тумани АСМ ходимлари касабга уюшмалари фаолияти танқид қилинганди.

"Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси вилоят кенгаши маъсул ходимлари томонидан мақолада келтирилган фактлар жойида ўрганилди. Қайд этилган камчиликларга ҳақиқатдан ҳам туман кенгаши ҳамда номлари зикр этилган бошланғич ташкилотлар раислари томонидан йўл қўйилганлиги аниқланди ва уларнинг аксарияти бартараф этилди.

Мақола Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Қасби тумани кенгашининг 2005 йил 14 сентябрдаги раёсат йиғилишида муҳокама этилди. Беруний фермер хўжалиги касабга уюшмаси

раиси Б.Исломовага хайфсан берилди. Туман кенгаши ва бошланғич ташкилотларга раёсат аъзолари ва аппарат ходимлари бириктирилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, жорий йилнинг ноябр ойида бошланғич ташкилотлар раисларининг ўқув-семинарлари ўтказиш, фаолиятни такомиллаштириш учун ҳамкорликда методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш вазифалари юклатилди. Туман кенгашига мақола мундариғи аниқлаб, йилгиликларда муҳокама этиб, ўларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш топширилди.

И.САБДАРОВ, АСМ ходимлари касабга уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

Даставвал Тожикистон алюминий заводи ҳақидаги айрим маълумотларни келтириб ўтсак. Завод мамлакатимиз чегарасидан атиги 10 километр узоқликда жойлашган. У 1975 йилда ишга туширилган. 1980 йилдан буён завод атрофидаги ҳудудларда экологик ҳолатнинг бузилиши кузатила бошланган. Завод йилга 300 минг тонна алюминий ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Ўттиз йилдирки, қувурларидан ҳавога заҳар-заққум аниқроғи, фторли водород, азрозолли водород фторида, олтингурут ангидриди, азот оксидлари, углерод оксиди тарқалиб, она табиатимизни булғаяпти. Нафақат табиат заҳарланаяпти, балки ҳаммаки мавжудот, минг-минглаб инсонлар ҳаёти хавф остида қоляпти.

Узингиз ўйланг, заводдан ҳар йили 21 минг тонна зарарли моддалар тарқалади. Улкан қувурлардан кўкка ўрмалаётган оғулар Сурхондарё вилоятининг шимолӣ туманларига жиддий талофат етказиб қолганлиги ҳам борган. Бу хусусда озмунча ёзилди ахир! Бош узра қўлака ташлаб турган фожиа кўра била туриб "бонг" урмай ҳам бўларканми? Дунё кўпгина табиӣ офатларни бошидан кечирган, аммо буниси мазмун-моҳиятига кўра ҳам, хатар қўламига кўра ҳам бошқача.

Афсус - надоматлар бўлсинки, воҳанинг сўлим гўшалари, баҳаво, бетакорр климига жиддий путур етди. Машҳур ҳисори қўйлар, зотдор моллар қамайди, уларнинг тишлари тўкилиб кетмоқда. Дашнобод анорлари заққимга айланган. Кўпгина мевалар пишмасдан бурун қовжираб қолмоқда. Сабзавот ва полиз маҳсулотларининг умри қисқарди. Бутун табиат хавф остида...

Мутахассислар олиб борган текширув хулосалари

Урин бобо ТОШМАТОВ, боғбон, Сарисий тумани: — Бошга бало бўлди, бу

ли боғлар қуриди. Табиатнинг рафтори ўзгача. Тугма ноғиронларни кўриб, юрак-бағрингиз эзилиб кетади. Нимадир қилиш керак, ахир! Бутун умр хавф остида яшаб бўладими? С.Н. Сарисий тумани: — Ёшим йигирма бешда. Кўриб турганингиздек тишларим тўкилган. Бу етмагандай ҳар кун эрталаб томоқларим қуриб, бадан-

ниҳоятда аянчли. Узун ва Сарисий туманларида ҳаво, ичимлик суви, чучук сув ҳавзалари ҳамда тупроқдан намуналар олиниб, мунтазам таҳлил қилинаётди. Рақамлар эса хавотирли. Завод одамларининг яшаш тарзига тобора жиддий хавф солмоқда. Азият чеккан ва таҳликада қолганларнинг сўзларини хотиржам эшитолмайсиз. — Алюминий заводининг зарарли таъсири боис турли касалликлар, айниқса, болалар ўлимининг сезиларли даражада кўпайиб бораётганлиги бизни ташвиш қилмоқда. — дейди Сарисий тумани ҳокими, сенатор Парда Мадиев. — Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ҳам катта талофат кўрмоқда. Юз фоиз ҳосил олинган ерлар унумдорли-

ларим қакшаб, лоҳас бўлиб тураман. Бу заводнинг турган битгани ишқал экан. Г.М. Сарисий тумани: — Тугиш ёшидаги хотин-қизлар жиддий зарар кўрапти. Узимдан қиб. Айниқса, турғу давомида кўп касал бўлдим. Чақалоғим ҳам нимжон. Меники-ку ҳеч нима эмас. Оналарнинг ногирон бола туғиб, зор йиғлашига чидаш қийин. Баъдан лаби, тангайли тиртиқ чақалоқлар туғилапти. Бу ёмон, бунга чидаб бўлмайди. Завод одамларининг ҳаётига ва бахтига чанг соляпти. У бамисоли аждаҳоа ўхшайди. Турсунали ХИДИРОВ, ўқитувчи, Узун тумани: — Бундай шароитда яшаб бўлмайди. Шамол эсанг келчалар эса нафас олиб бўлмайди. Хуллас, завод

нинг таъсиридан тобора сўлиб, барча табиӣликларидан маҳрум бўлиб бормоқда. Одамлар оғригадиги ташвиш тобора ортаётди. Бир замоналар Сарисийёда етиштирилган мевачевалар жаҳон қишлоқ хўжалиги кўрғазмаларида юқори ўринларни оларди. Энди эса ёзининг охирига бориб бормай, касалланиб тўкилиб кетмоқда. — 1970 йилда туғилганман, — дейди ўзини Э.Тошев деб таништирган киши. — Кейинги ўн беш йил ичида неча хил касалликларга қалиниб, охирикватда ногирон бўлиб қолдим. Бўгинларим, суяклар қакшаб оғриди. Тўрт яшар фарзандимнинг бош суяк чаноғи ривожланмасдан ногирон туғилган. Агар алюминий заводи таъсир


Ўзбекистонда спортнинг кўпгина турлари сингарни теннис бўйича ҳам нуфузли ҳалқаро турнирларни ўтказиш аънавага айланган. Хорижлик мутахассислар томонидан ҳақли равишда дунё теннис марказларидан бири сифатида эътироф этилаётган пойтахтимизда яқинда ташкил этилган катта теннис байрами - Осий чемпионатининг шўқуқи тарқамай туриб, «Тошкент опени аънаваный хотин-қизлар ҳалқаро теннис мусобақаси бошланди».

ТЕННИС МАЛИКАЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТДА

Пойтахтимизда «Тошкент опен» аънаваный хотин-қизлар ҳалқаро теннис турнири бошланди

«Тошкент опен» ҳалқаро хотин-қизлар мусобақаси 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган. «Челленжер» сифатида бошланғич мазкур мусобақа қисқа вақт ичида кенг оммалашиб, 1999 йили Хотин-қизлар теннис уюшмаси (WTA) турнири мақомини олди. Ташкил

этилганидан буён мунтазам юқори савияда ўтказилаётган «Тошкент опени» бугунги кунда WTA таснифига кирувчи дунёдаги 63 ҳалқаро турнирдан бири ҳисобланади. «Тошкент опен» ҳалқаро турнири директори С.Утрапатининг айтишича, ушбу мусобақа нафақат таҳрибали ва таниқли теннисчилар, балки профессорларнинг спортга эндиғина



ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Пойтахтимизда хотин-қизлар ўртасида теннис бўйича «Тошкент опен» ҳалқаро турнири бошланди. Йигирмага яқин мамлакатдан келган ўлттиз нафардан зиёд теннисчи яққалик ва жуфтлик беллашувларига киришди.

Мазкур мусобақада юртимиз шаҳрафини мамлакатимизнинг энг сара теннисчилари - амалдаги Осий чемпиони Оқул Омонмуродова ҳамда «Тошкент опен» турнирининг 2000 йилдаги ғолибаси Ирода Тўлаганова ҳамроҳ бўлиб келган. Айтиш жоизки, мусобақанинг дастлабки кундаги учрашувлар ўзбекистонлик ракетка усталари учун омадли бўлди. Ирода Тўлаганова турнирни саралаш босқичидан бошлади. Дастлаб, беларуслик Дарья Куставани 7:6, 6:1, кейин россиялик Анастасия Радионовани 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратган Ирода, асо-

сий беллашувларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Асосий босқичнинг биринчи учрашувида Ирода Тўлаганова Украина вакиласи Ольга Савчукдан 6:2, 6:2 ҳисобида устун келди. Қўра натижасига кўра, турнирнинг иккинчи рақамли ракеткачиси Алёна Бондаренкога /Украина/ рўбарў келган Оқул Омонмуродова ҳам муҳлисларини хушнуд этди. Рақибасини 7:6, 6:4 ҳисобида энгган Оқул иккинчи босқичга йўланма олди. Биринчи куннинг қолган яққалик баҳсларида индонезиялик Винни

Ташвиш

Хосият ТИЛАКОВА, қишлоқ хўжалик ходими, Узун тумани: — Дашнобод анорини билмаган, жуда бўлмас эшитмаган одам кам топиларди. Чунки бу анорлар доврғи етти иқлимга етган. Энди қани ўша анорлар?! Отлиққа йўқ. Бошқадархатлар мавсумий экин-

қилмаса эди, мөн бундай бахтсизликларга рўбарў бўлмас эдим. Яна такрор айтаман. Ана шу лаънати завод туғайли ҳар кун руҳий азоб тортаман... Вилоятнинг Сарисийё, Узун, Денов, Шўрчи, Олтинсой туманлари аҳолиси ўртасида ҳам турли касалликларнинг кўпайиши кузатилмоқда. Биргина Сарисийё тумани мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, 2002 йилда уларнинг умумий сони 113 минг 716 тани ташкил этгани ҳолда, 2004 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 138 мингдан ошиб кетган.

2004 йил якунларига қараганда, биргина Узун туманидаги 30394 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг ачанасида турли хил эстрогенитал касалликлар борлиги аниқланди. 2005 йилнинг ўтган олти ойи давомида эса бундай салбий, ачинарли ҳолатнинг янада ортанлиги кузатилди. Узун туманида 26 нафар аёлда ҳомиланинг ўз-ўзиндан тушиши ҳолатлари кузатилди. Сарисийёда эса бу кўрсаткич 18 нафарни ташкил этди. Жорий йилнинг атиги олти ойи мобайнида Узун ва Сарисийё туманларида 20 минг 407 нафар киши буюқ касаллигига гирифтор бўлганлиги расман рўйхатга олинган. Бундай ҳолат кимни ҳам ташвишга солмайди, дейсиз.

2004 йил якунларига қараганда, биргина Узун туманидаги 30394 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг ачанасида турли хил эстрогенитал касалликлар борлиги аниқланди. 2005 йилнинг ўтган олти ойи давомида эса бундай салбий, ачинарли ҳолатнинг янада ортанлиги кузатилди. Узун туманида 26 нафар аёлда ҳомиланинг ўз-ўзиндан тушиши ҳолатлари кузатилди. Сарисийёда эса бу кўрсаткич 18 нафарни ташкил этди. Жорий йилнинг атиги олти ойи мобайнида Узун ва Сарисийё туманларида 20 минг 407 нафар киши буюқ касаллигига гирифтор бўлганлиги расман рўйхатга олинган. Бундай ҳолат кимни ҳам ташвишга солмайди, дейсиз.

(Давоми 3-бетда)



Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)ни биласизми? Билмасангиз, билиб олинг. Бу халқаро ташкилот бўлиб, ўзига аъзо бўлган давлатларнинг савдо-саноат муносабатларини мувофиқлаштириб туради. Расмий равишда 1995 йилнинг 1-январидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда. Маркази, яъни котибияти Женевада жойлашган. Жами 500 нафар ходими бор. Унга 145 мамлакат аъзо. Ташкилотни Бош директор бошқаради. 1995 йилгача бу ташкилот бошқа ном билан аталган ва фаолият доираси ҳозиргига қараганда анча тор бўлган.

ЖСТ замонавий халқаро савдонинг ҳуқуқий асосларига таянган ҳолда фаолият кўрсатади. Аъзо давлатларнинг ўзаро савдо муносабатларида юзага келадиган муаммолар доимий ҳаракатдаги аниқликда ҳал қилинади. Унда барча аъзо мамлакатларнинг вакиллари қатнашади. Битимлар ҳамда шартномаларнинг ижросини назорат қилиш ҳам ана шу аниқликнинг асоси. Ташкилотда савдо низоларини ҳал қилишнинг мукамал механизми ишлаб чиқилган.

Бу халқаро иқтисодий ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидан бири - жаҳон савдосини эркинлаштиришдир. Умуман, савдони эркинлаштириш муаммолари ва жаҳон савдосини ривожлантириш истиқболлари кўп йиллардан бери муҳокама-ю мунозара мавзуси бўлиб келмоқда. Жаҳон савдо ташкилотининг ўз талаб ва қоидалари бор. Энг муҳими, аъзо мамлакатларнинг бирортаси ҳам савдонини мавжуд тартиб-қоидалар билан мувофиқлаштиришда камситишга йўл қўйилмаслиги керак. Яъни, савдо тариф усули бўйича мувофиқлаштирилади, микдор ва бошқа жиҳатлардан қечлашларга йўл қўйилмайди, томонлар савдо-сотиқда бир-бирларига қулай шарт-шароитлар яратишади, айниқса, четдан

келадиган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун миллий муҳит имкониятлари берилди, савдо низолари маслаҳатлашувлар ҳамда музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

Шубҳасиз, бу ташкилот фаолиятининг қамрови кенг. Аъзо давлатлар миллий савдо сиёсати мониторинги, битимлар ва ахдлашувларнинг бажарилишини назорат қилиш, кўптомонлама савдо музокалари ва маслаҳатлашувларини ўтказиш, ривожланаётган мамлакатларга савдо-сотиқ йўналишида техникавий ёрдам кўрсатиш, шу соҳага ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳам ЖСТнинг муҳим вазифалари доирасига кириди.

Ҳўш, жаҳон савдо ташкилотига кириш унга аъзо мамлакатлар

ёрлар ҳамда қоидалар билан мувофиқлаштириб турадиган халқаро ташкилот ҳисобланади.

Бир йилда бир неча марта барча аъзо давлатлар вакилларидаги иборат Бош Кенгаш мажлиси чакрилади. Унда одатдаги жорий ҳамда ташкилий масалалар қўрилади. Шунингдек, Бош Кенгаш низоларни ҳал қилиш ҳамда савдо сиёсатини таҳлил этиш бўйича фаолият кўрсатадиган тизимлар ишга раҳбарлик қилади, савдо ва ривожланиш, бюджет, молия ва маъмурият, савдо ва атроф-муҳит, минтақавий савдо битимлари, қечлашлар ва бошқа йўналишлар бўйича кўмиталар тузади.

Бош Кенгаш жаҳон савдо ташкилоти Бош директорини тайинлайди. Ҳозир бу вазифада тайландлик Супачай Паничакди

**Газетхон илтимосига кўра**

қабул қилинган ҳужжатларни ратификация қилиши. Кейинчалик ташкилотнинг тўлақонли аъзолари сони 144 тага етказилди. Бир неча давлатларнинг ҳужжатлари ратификация босқичида турибди. Ўттиздан ортиқ давлат ЖСТ да қузатувчи мақомига эга. Уларнинг аксарияти бу ташкилотга қўшилишнинг турли босқичларида турибди. Ана шундай мамлакатлар сифатида Туркменистондан ташқари МДҲга аъзо барча давлат бор. Қирғизистон, Грузия, Молдова илгаристек қабул қилинган. Арманистон масаласи ҳам ҳал бўлган. Россия ҳаракат қилияпти. Лекин ҳозирча мақсадга эриша олмапти. ЖСТнинг шартлари ва талабларидан келиб

ҳамда иқтисодий имкониятлари даражаси ЖСТнинг меъёрлари ва қоидаларига қай даражада тўғри келиши ҳар томонлама қиёсла-ниб кўриб чиқилади. Шундан кейин номзод давлат билан мазкур ташкилотга аъзоликнинг шартлари юзасидан маслаҳатлашувлар ва музокаралар олиб борилади. Бунда биринчи навбатда номзод давлатнинг ЖСТ аъзоларига ўз товарлари бозори ва хизматлари учун йўл очиб беришга тайёрлик даражаси эътиборга олинади. Шунингдек, кирувчи давлат аъзолик масъулиятидан келиб чиқиб, ўз зиммасига олган мажбуриятнинг қамрови ҳамда мuddати инобатга олинади. Ўз навбатида масала ҳал бўлиши биланоқ, янги қабул қилинган давлатга ҳам ЖСТнинг барча аъзолари эга бўлган ҳуқуқлар берилди. Энг муҳими, жаҳон савдосидаги иштирокида камситишларга йўл қўйилмайди.

Белгиланган тартибга кўра, маслаҳатлашувлар ва музокаралар муваффақиятли туғанидан кейин аъзоликнинг расмийлаштириш учун ишчи гуруҳи ҳисоботи, барча ҳуқуқлар ва мажбуриятлар иловаси, товарлар ва қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш даражаси бўйича тарифлар рўйхати, хизматлар бўйича мажбуриятлар, қўшилиш ҳақида таъдбирнома ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилади. Асосий шартлардан яна бири шуки, ЖСТга қўшилган давлатлар ўз миллий қонунчиликлари ва ташқи иқтисодий фаолиятларини мувофиқлаштиришни ташкилотда амал қиладиган тартиб-қоидаларга яқинлаштиришлари керак. Қўшилишнинг сўнги босқичида ишчи гуруҳи доирасида келишилган ва Бош Кенгаш тасдиқлаган барча ҳужжатлар кирувчи мамлакатнинг миллий қонунчилик органи томонидан ратификация қилинади.

Биринчи босқичда махсус ишчи гуруҳлар доирасида савдодаги шериклар иштирокида иш олиб борилади. Қўшилган давлатнинг савдо-сиёсий муҳити

**ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ**

уҳун қандай имкониятлар беради? Биринчидан, олдиндан кўра билиш ва мўтадиллик асосида товарлар ҳамда хизматлар бозорларига кириш учун қулайликлар яратиш, иккинчидан, агар шериклар томонидан миллий манфаатларни камситишга дахлдор хатти-ҳаракатлар бўлса, юзага келган низоли ҳолатни бартараф этиш механизмига йўл очиш, учинчидан, халқаро савдонинг янги қоидаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ кўптомонлама савдо музокаларида фаол қатнашиш орқали ўзининг жорий ҳамда стратегик савдо-иқтисодий манфаатларини амалга ошириш имконини беради. ЖСТнинг барча аъзолари «Кўптомонлама савдо битими» (КСБ) деган ном билан аталадиган асосий битимлар ҳамда юридик ҳужжатларга амал қилиш юзасидан мажбуриятлар оладилар. Шундай қилиб, ЖСТ ҳуқуқий нуктаи назардан ўзига, ҳошқўй нуктаи назардан аъзолар (битимлар) йиғинидан иборат, жаҳон савдосида товарлар ва хизматларнинг 97 фоизини меъ-

ишляпти. Бош директор турли йўналишлар бўйича тузилган кенгашлар ишга раҳбарлик қилади, ташкилотнинг бошқа бўлимлари фаолияти устидан назорат ўрнатади. Турли кенгашлар доирасида битимлар ва музокаралар бўйича гуруҳлар ташкил этилган. Бу гуруҳлар ишида ташкилотнинг барча аъзолари иштирок этишлари мумкин. Баъзан вазият тақозосидан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган бўлимлар ҳам ташкил этилади.

Секретариат (котибият) ташкилотнинг ижро органи ҳисобланади. Барча тизимларнинг ишчи котибият бошқармади. Иш инглиз, француз ва испан тилларида олиб борилади. Қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Дастлаб ЖСТга 128 та давлат аъзо эди. Улар ташкилотнинг таъсисчилари бўлишди. Чунки, ахдлашувларда биргаликда қатнашишди. Товарлар ва хизматлар бўйича рўйхатлар беришди ҳамда биринчи бўлиб мажбуриятлар олишди. Шунингдек, улар

чиқиб, унга бир қанча тўсиқлар ғов бўлиб турибди. Эшик қоқиб, тайёрликнинг турли босқичларида турганлар орасида Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон, Саудия Арабистони, Жазиора ва бошқа бир қанча давлатлар бор. Шунингдек, жаҳондаги 60 дан ортиқ халқаро ташкилот ЖСТнинг турли тизимларида қузатувчи мақомига эга. Уларнинг орасида БМТ, Халқаро валюта жағнамаси, Халқаро савдо маркази, Халқаро ривожланиш ва талқиб банкни каби муфозил халқаро ташкилотлар бор.

Мамлакатларнинг жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни бир неча босқични ташкил этади. Ўтган йиллардаги тажриба бу жараён ўртача 5-7 йил давом этишини кўрсатди. Аксарият қоидалар ва талаблар деярли барча давлатларга бирдай жорий этилади.

Биринчи босқичда махсус ишчи гуруҳлар доирасида савдодаги шериклар иштирокида иш олиб борилади. Қўшилган давлатнинг савдо-сиёсий муҳити

**Спорт оламида**



**Шоҳмат ҚОСИМЖОНОВНИНГ БИРИНЧИ ҒАЛАБАСИ**

Аргентинада давом этаётган шоҳмат бўйича жаҳон чемпионати баҳсларида болгариялик Веселин Топалов ягона пешқадамга айланди. У туртинчи турда англиялик гротсмейстер Майкл Адамсни мағлубиятга учратди.

Туртинчи турда пешқадамлик қиладиган хиндистонлик Вишванатан Ананд ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновдан мағлубиятга учради. Шундай қилиб, тўрт турдан сўнг 3,5 очко жағнамга Топалов биринчи ўринда, россиялик Петр Свидлер 3 очко жағнамга, кейинги ўринда бормоқда. У сўнги турда ҳамюрти Александр Морозевични мот қилди. Вишванатан Ананд 2,5 очко жағнамга, учинчи ўринга жойлашди.

Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўз ҳисобига 2 очко жағнамга, чемпионатда туртинчи ўринда бормоқда. Агар у учинчи турда венгриялик Юдит Полгарни юта олганда эди, имкониятлари анча юқори бўларди. Шанба кунги турда венгриялик гротсмейстерлар Петр Лекко ҳамда Юдит Полгарлар ўзаро дуч келди. Бу ўйинда Лекко устунлик қилди. Ўз навбатида улар турнирда 5-6 ўринда боришмоқда. Турнирнинг сўнги ўринларини А.Морозевич ҳамда М.Адамснинг банд этган.

Навбатдаги тур жуда қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Чунки унда Топалов-Свидлер, Адамс-Қосимжонов, Ананд-Лекко, Полгар-Морозевичлар ўзаро дона суришади.

**БАХРАЙНЛИКЛАР ИККИ КҮН ҚОЛГАНДА КЕЛИШАДИ**

УФФ ахборот-таҳлил бўлимидан хабар қилишларича, Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида Миллий терма жамоамиз билан тақририй учрашувда майдонга тушадиган Бахрайн терма жамоаси Тошкентга 6 октябр кунини ўзига келди. Худди шу кунини Ўзбекистон-Бахрайн учрашуви



ни бошқарадиган швейцариялик ҳакамлар бригадаси ҳам пойтахтимизга ташриф буюришади. Аввал хабар қилингандек, учрашувга швейцариялик Массимо Бузакка бошчилик қилади. Унга ватандошлари Франческо Бурагина, Маттас Арнет ҳамда Клавдио Сирнетта ёрдамлашади. Манамдаги ўйинни эса кўпчиликка яхши таниш англиялик Грем Полл бош ҳакам сифатида бошқаради.

Бахрайн терма жамоаси делегацияси «Интерконтинентал» мейдонхонасига жойлашади. Лука Перузович жамоаси «Жар» спорт мажмуасида машғулотлар олиб боришади.

**АНРИ «БАРСЕЛОНА»ГА КЕТИШИ МУМКИН**

Лондоннинг «Арсенал» жамоаси ҳужумчиси Тьерри Анри ўз жамоаси билан шартномасини узай-

тирмоқчи эмас. Ушбу мавсум охирида ниҳоятга етказилган шартномани узатиш учун «Канонирлар» раҳбарияти бир неча марта ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ ҳаракатлар чиппақча қаттаверди.

- Катта ҳўжайин билан

**ФЕДЕРАЦИЯ - БАНГКОКДА ГОЛИБ ЧИКДИ**

Швейцариялик Роже Федерер Бангкогда ўтган (мукофот жағнамаси 525 минг АҚШ доллари) теннис турнирида голиб чикди.

Жаҳоннинг биринчи рақамли теннисчиси финалда англиялик Энди Мюррьюни 6:3, 7:5 ҳисобидан мағлуб этган. Шундай қилиб у ушбу мавсумдаги галабалар сонини 76 тага етказган. У мавсум давомида бор-йўғи уч марта-россиялик Марат Сафин, Франциялик Ришар Гаске ҳамда испан Рафаэл Надалга имкониятни бой берган. Федерер ўз фаолияти давомида 33 та турнирда голиб чикқан.

**МАРИЯ ШАРАПОВА - МОСКВАГА КЕЛДИ**

Аёллар теннис ассоциациясида биринчи рақамли теннисчи россиялик Мария Шарапова 11 йил мобайнида илк марта Москвага учиб келди. «Ванихоят, Россияга учиб келдим. Мен етти ёшимда бу ердан кетгандим. Ватанга қайтиш жуда мароқли,- деган у аэропортда кутиб олган муҳбирларга.



8-октябрда бошланган «Кремл Кубоги» баҳсларида кортга тушади. Ўзининг анча эрта келишини Мария шундай изоҳлаган: «Елкадан жароҳатим борлигини биласиз. Уни шу ерда даволатаман. Яна Москвани мазза қилиб тамоша қилмоқчиман». Журналистларнинг «Сайёранинг энг кучли теннисчиси сифатида ўзингизни қандай хис қиляпсиз?» деган саволига «Ҳаммадан кучли бўлиш, албатта зўрда» деб жавоб берган. «Этти ёшимда худди шу аэропортдан отам ҳамроҳлигида Америкага учганим ва ушанда нима бўлишини билмасдим, хайриятки, ҳаммаси яхши бўлди. Мен ўз уйимдаман,- деган Шарапова.

У ўзининг россияликлар олдида аллақачон кортга тушиш истаги борлигини, Россияда бўлиш давомида режалари қўлигини айтган. Шарапова ўзи турилган Няган шаҳрига бориши ёки бормаслигини ойдинлаштирмаган.

**БОС ЧЕМПИОНЛИК КАМАРИГА ДАВВОГА**

Россиялик Николай Валуев WBO йўналиши бўйича оғир вазнда жаҳон чемпиони камарига даввогарлик қилади.

Германиянинг Олденбург шаҳрида бўлиб ўтган жағнда у америкалик Ларри Дональдни очколар ҳисобида енгган, расмий жанг ўтказишга асосий даввогар бўлди. Баҳайбат рус боксчиси шу йўналишда амалдаги чемпиони Жон Руисга қарши рингга чиқиши лозим.

**А. ЮНУСОВ тайёрлади**

**КУЗ ҚУВОНЧЛАРИ**

Анджон вилояти Олтинқул тумани деҳқонлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш топширигини бажарди. Қабул пунктларига 21 минг 161 тонна «оқ олтин» топширилди. Хар гектардан ўртача 32,15 центнердан ҳосил олинди. Етти миллиард сўмдан ортиқ даромад қилинди. Тумanning тажрибали деҳқонлари бу йилги мавсум қулай келганини таъкидламоқда. Наврўз умумхалқ байрамидан сўнг бошланган чигит экишни 12 кунда якунлашди. Ҳамма ниҳоллар плёнка билан ёпилди. Қулай об-ҳаво шароитлари чигит текис униб чиқишга ёрдам берди. Аввалги йиллардан фарқли ўлароқ қайта экишга тўғри келмади.

Зараркунанда ҳашаротларга қарши курашнинг биологик услублари қўллангани яна бир ютуғимиз бўлди,- дейди туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Музаффар Амаров. - Барча 11 та биологический ишчи аниқ ташкил этилди. Кимёвий моддалардан фойдаланиш 12 марта камайди ва бу 209 миллион сўмни тежаш имконини берди. Муваффақиятнинг яна бир омилли минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш, пахтакорлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун хўжаликларга узулқисс кредит ажратилиши бўлди. Агротехника қоидаларига аниқ риоя этилиши, асосий майдонлар дефолиацияси мўл ҳосил олиш имконини яратди. Барча ҳосил фақат биринчи навга қабул қилинди.



**БўЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАР КОЛЛЕЖИ**

Анджон вилояти Анджон туманидаги Заврак кишлоғида ўқитувчи ва мураббийлар кунини арафасида 900 ўқувчига мўлжалланган янги иқтисодийет коллежи фойдаланишга топширилди. Тендер қиймати 1 миллиард 762 миллион сўмга тенг ушбу объект «Анджонтаъмиркурилиш» очик турдаги акционерлик жамияти томонидан 210 иш кунини бунёд этилди. Бу борада гишт терувчи Улугбек Тешабоев, ҳайдовчи Зухриддин Охунов, сантехник Азизбек Сиддиков, пардозловчи Шокиржон Эрматов, пайвандловчи Машхур Ҳамроқулов, электик Баҳодир Тиллабоев ва бошқалар жонбозлик кўрсатди. Янги коллеж 160 миллион сўмлик мебеллар билан жиҳозланди. Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан қиймати 8 миллион сўмлик ўқув-лаборатория ажнмлари ажратилди.

**МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР**

Қашқадарё вилояти миришкорлари бу йил аксарият соҳаларда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Китоб туманидаги Алишер Навоий номи хўжалик туманда пахта ва галладан ташқари бошқа хил кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Эл дастурхонини тўқин-сочин қилиш учун астойдил меҳнат қиладиган оилавий пудратчилар талайгина. Шулардан бири Абдуманноп Набиевдир (ўнгда суратда). У парваришлайётган тоқзорда мўл ҳосил етиштирди. Махфуза Эрназарованинг (чапдаги суратда) асл касби ўқитувчи. Шу билан биргаликда деҳқончилик билан ҳам шуғулланади. Бу йил у 50 сотих майдонга помидор экиб, салкам бир миллион сўм даромад кўрди.



Долзарб муаммо барчани ўйлантиряпти, - дейди Сурхондарё вилоят табиати муҳофиза қилиш кўмитаси раиси, кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Рўзигул Сафарова. - Қўшилларимиз худуди-

Шундан сўнг шу йилнинг феврал ойида Россиянинг «Русский алюминий» («Русал») компанияси президенти Тожикистон раҳбарияти билан учрашгани ва бу учрашув чоғида ТожАЭ га тааллуқли масалалар ўртага ташлан-

албатта. Уни янада кенгайтиришни ўйлайди... Мутахассислар алюминий заводларини кенгайтириш ҳамда «Русал» ишлаб чиқарадиган алюмин маҳсулотидундаги энг зарарли эканлигидан ташвиш билдиришмоқда.

рилиши лозим... Дунё қизик-да. Кимдир алюминий заводи пурақайтган захарида бартараф этиш тўғрисида бош қотирса, кимдир уни янада кенгайтириш хусусида ўйлайди. Экологик хавфни йўқотиш, она-табиатни, ундаги барча мавжудотларни, инсонларнинг гулгун ҳаётига даҳл солаётган барча нарсаларга қарши курашиш - биз учун инсоний бурч.

**«АЖДАҲО» ОҒУСИ**

**атроф-муҳитни захарляпти. Натижада одамлар саломатлиги, ҳайвонот олами, ўсимлик дунёси хавф остида қолмоқда**

да қурилган ва узок йиллардан бун фаолият юритиб келадиган алюминий заводнинг жабрини бизлар тортмоқдамиз. Бу захри қотилга йўрилган шамоллар эсаётгани ҳам ана йигирма беш йилдан ошапти. Захри қотил заёт этаётган худуд борган сари кенгайиб борапти.

Дарҳақиқат, 2004 йилнинг октябридан бошлаб, Лондон металллар биржаси савдосида алюминий нархи уч йиллик максимум баҳога етгандан сўнг вазият тубдан ўзгарди. гани ҳақида хабарлар тарқатилди. Яна бир манбага кўра, «Русал» компанияси президенти Урнбосари мазкур компания Тожикистон алюминий заводига да яна иккита янги корпус қуриш учун маблағ сарфлажани баён этиди. Бу эса завод қувватини ошади. Ўйлига яна қўшимча қўллаб тонна алюминий ишлаб чиқариш учун имконият яратар экан.

Бунисига нима дейсиз? 1994 йилнинг 14 сентябрида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Тожикистон давлатлари ўртасида «Тожикистон алюминий заводи салбий-таъсир кўрсатаётган худудларда экологик вазиятни яхшилаш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида» битим имзоланган эди. Ўзбекистон Республикаси томонидан ушбу битимлар асосида тузилган дастурнинг 5, 6, 7 ва 9 бандлари бажарилди. Бироқ қолган бандлари Тожикистон давлати билан ҳамкорликда амалга оши-

**Ташвиш**

Хўш, уга долзарб муаммонинг ечимини қаредда? Бахтга қарши, бу муаммо минтақавий микёсга эга бўлиб, ҳозирча унинг ягона мақбул ечимини мавжуд эмас. Қўллаб қишлоқ кишилари билан учрашганимизда улар шундай фикр билдиришди: Тожикистон алюминий заводининг буғуни ва келажаги икки қардош халқнинг ҳамкорлиги ва дўстлигига асло раҳна солмаслиги даркор. Барчани ўйлантираётган, ташвишлантираётган муаммонини биргаликда, баҳамжиҳат ҳал қиладиган вақт аллақачон етди. Ўйлаймизки, бу борада амалий қадамлар қўйилди.

**Илхом ҚАРОМОВ, «Ишонч» махсус мухбири**



Фузор туманида 900 ўринли янги касб-хунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларини «Фузор-Ф» масъулияти чекланган жами-



Абдуллаев; коллеж биноси кўриниши. Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар

Покланиш оёи

«Рўза тутиш жон учун зақот, бадан учун рибзат, яхшилик учун даъватдир. Рўза инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сакланишдир...»

Абу Ҳамид Муҳаммад ҲАЗЗОЛИЙ

Оламни нурга, саодатга тўлдириб, Муборак Рамазон оёи ҳам кириб келди. Шукурларки, истиқлол шарофати билан маънавий-руҳий покланиш оёи Рамазон рўзасини муносиб кутиб олиш имкониятига эга бўлди. Аллоҳ таоло юртимизга тинчлик, тараққиёт, файзу барокат ато этсин, доимо ўзини ҳимоясида асрасин! Рамазон оёида кимники имкони бўлса, албатта бир оёи рўза тутишлик фарз қилинган. Билсангиз агар, Қуръондаги ҳамма ҳужжатлар фақат тани соғ одамлар учун айтилган. Аллоҳ одамларнинг куч-қуввати қандайлигини яхши билгани учун «Сизларга фақат - энгилликни истайман. Тоқатингизга қара, бандам» - деган. Шундай экан, узрли сабаблар бўла туриб, манмансираб «Умалас ўлам. Лекин рўза тутиб берман» - дейиш нотўғри. Рўзадор киши еб-ичишдан, жимбо қилишдан тийилиши билан бирга, тўхматдан, ғийбатдан, ёлгон ва ҳақоратли сўзларни гапиришдан ҳам ўзини тия билиши керак. Рўза тутиш Рамазон оёида фарз бўлсада, бир неча узрлар сабабли уни кейинги ойларида қаза қилиб тутиб бериш мумкин. Касалик, ҳомиладорлик, эмизикли бўлиш, кексалик, ҳайз, нифос ва сафар ана шундай узрлардандир.

олишлари ёки касалхонага тушиш ҳоллари учраб туради. Бундай салбий ҳолларни камайтириш учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилиш тавсия этилади: 1.Рўзани балоғат ёшига етган соғлом болалар ва кишилар унинг руқн, суннат ва одобларига риоя қилган ҳолда тўтсалар мақсада мувофиқдир. 2.Чет эл ва ватанимиз тиббиёт олимлари сурункали ва оғир хасталикларни

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

до бўлиб, очлик билан вақти-вақтида ошқозонни дам олдиришнинг энг яхши ўёли - рўза тутиш эканлиги исботланган. 4.Ўз ихтиёри ила ўттиз кун кўнгил хоҳлаган нарсалардан ўзини тийган киши керагина сабр-бардошга эга бўлади. 5.Рўзадор киши ноилоҳликдан оч қолиб, қанқаб, дунё лаззатларидан бебаҳра, бева-бечора камбағал фуқароларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлади. 6.Рўза кишини зарарли одатлардан қутқилишига ёрдам беради (ичиш, чекиш, қимор ўйнаш ва б). 7.Рўза барча рўзадор кишиларни фақир-мискин ҳолига қалтиради. Бу мажбурий фектлардан инсон қалбини амалий равишда барча инсонлар тенг эканлигига, улар ҳаммалари бир хил эканлигига ишонтиради. 8.Рўзадор киши шайтонга қарх қўрсади. 9.Рўза тутган киши фаришталар сифати ила сифатланади. 10.Кимки ихлос, эътиқод ва Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб рўза тутса, унинг барча ўтмиш гуноҳлари мағфират қилинади. Кўпчилик ҳолларида рўзанинг бошида 5-10 кун ўтгач, айрим рўзадор кишиларнинг шифокорларга мурожаат қилишлари, рўзасини очиб

бор беморлар фақат шифокорлар руҳсати билан рўза тутишликларини тавсия этадилар. 3.Сахарликда ва ифторликда рўза очилгач, бир оз сув (чай, компот, шарбат) ичиб, орқасидан ҳўл мева, сабзавот (салат) истеъмол қилиш қони фойда. 4.Сахарликда энгил, витаминларга, минерал моддаларга бой ва қувватбахш таомларни меъёрида тановул қилинган маъқул (талкон, асал, туршак ҳўл, сариғ ёки қаймоқ, сулли ва бугда пиширилган овқатлар). 5.Ифторликда кун бўйи оч юриб бирданига қўп ва кучли овқатлар ёйиш қони зарар. Хилма-хил таомлардан оз-оздан меъёрида ёйиш фойдали. 6.Ёғли, ғўшли, қовурилган, ҳамирли овқатларнинг ҳазм бўлиши қийин кечиши туфайли, ошқозонда заҳарли моддалар қўпайиб, у қон таркибига салбий таъсир этиши натижасида турли хасталиклар келиб чиққисини унутманг. 7.Пайғамбаримизнинг «Аслида рўза тутиш Раҳмоний ақлнинг шайтоний нафсдан устун бўлмоғи учун курашдир» деган насихатини эсда сақланг. Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент

Ҳарбий хизмат - муқаддас бурч

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари ҳарбий хизматчиларини ихтимоний муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳарбий хизмат нуфузини ва ҳарбий хизматчиларнинг қасб маҳоратини ошириш, уларни ихтимоний муҳофазада вази-фалари белгилаб берилган.

лантиришга қаратилган ўқув ва амалиёт машғулотлар юксак савияда олиб борилапти. - Армиямизни бақувват, ҳар томонлама чиниққан, эҳчил, кўрқмас, довурак ҳарбий хизматчилар билан тўлдириш мақсадида шахсий таркиб билан жанговар ва махсус тайёргарлик кўриш, қурола-аслаҳа, ҳарбий техникадан тўғри, оқилона фойдаланиш бўйича доимий машғулотлар ўтказилади, уларга қомандирлик тажрибалари ва махсус кўникмалар сингдирилади, - дейди ўқув бўлими бошлиғи подполковник Ж.Турдиев. - Қурсантларда ҳарбий бурчини виждонан бажариш, ҳарбий интизом ва ҳарбий тартибни сақлаш зарурати шакллантирилади.

Сержант - қуроли кучлар юрағи, Ватанинг ҳақиқий қалқони. Айни пайтда мактабни тамомлаб ёки касбий маҳоратини ошириб, қисмларда қомандир ўринбосарлари бўлиб ишлаётган кўплаб кадрлар ёшларга ҳақиқий мураббий сифатида ўзларини кўрсатишяпти, ҳарбий ва умумий маданият, ватанпарварлик, профессионализм сифатларини сингдиришяпти.

Мақтабада таълим олаётган қорақалпоғистонлик Қувонч Жуманов билан учрашиб қолдик. Оролбўйи фарзанди назарий ва амалий машғулотларни пухта ўзлаштирапти. У устозларнинг подполковник Қ.Ҳасанов, капитан Э.Мадалиев, Ж.Нийматов каби мураббийлар кичик қомандирларга ҳам назарий, ҳам амалий билим бериб, ҳарбий сир-асорларни чуқур ўргатаётганликларини мамнуниёт билан сўзлади.

Ҳаётини ҳарбий хизмат билан боғлашга аҳд қилган Фарҳод Пулатов, Элмурод Бобомуротов, Аваз Холов, Санжар Саъдуллаев қабиляр зарур билимларни кун билан эгаллашяпти, ҳарбий-сиёсий тайёргарликда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Замонавий спорт мажмуасида қўл жанги, миллий кураш, каратэ, дзюдо, таэквандо, футбол, волейбол, баскетбол, югуриш мусобақалари ўтказиб борилаётганлиги қурсантларнинг жисмоний чиниққисини мустаҳкамляпти. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун тегишли ижтимоий-маиший шарт-шароитлар яратилган.

Мусобақа сўнггида иштирокчилар ҳамда меҳрибонлик ўйлари қошидаги бадий жамоалар томонидан тайёрланган концерт дастурлари намойиш этилди.

Кўнгиллари ром этиб Гулистон шаҳридаги «Шохруҳ» болалар спорт мажмуаси иш бошлаганида унинг аъзолари сони йигирмадан ошмас эди. Бугун бу ерга 150 нафардан

зиёд ўғил-қиз катнамоқда. Улар тажрибали мураббийлардан спортнинг бокс, айқидо, кикбоксинг, каратэ, стол тенниси каби турлари бўйича сабоқ олмақда. Мажмуада яратилган шарт-шароит ва ўтказилаётган тизимсиз машғулотлар ўз самарасини бермоқда. Ёш спортчилар вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Хусусан, Муҳаммад Ашуров, Жаҳонгир Абдурахмонов, Фазалиддин Шарипов каби истеъдодли ёшлар ўз вази тоифасига каратэ бўйича вилоят чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Ёшларга Икромжон Ортиқов, Ринат Попов, Мурод Абдувоҳидов каби тажрибали спортчилар устозлик қилмоқда. Улардан сабоқ олаётган ёшлардан ўн нафари болалар ва ўсмирлар ўртасида шу йил сентябрь оёида каратэ бўйича Ўзбекистон кубоғи учун ўтказилган беллашуварда иштирок этиб, Элёр Қўчқоров ўз вази тоифасида иккинчи ўринга сазовор бўлди. Кикбоксинг секцияси аъзолари эса республика очик чемпионатида қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

ОҚИБ ТУРГАН ДАРЁ

Ақл-узун, ҳаёт калта. Ақл ҳасандир, одоб хусандир. Ақлвашсанг, ақл топасан. Ақли қария - оқиб турган дарё. Ақлнинг кўзи-узюкнинг кўзи. Ақлнинг қайроғи-илм. Ақлнинг оти хоримас, тўпи тузалмас. Ақли одам хангомани нақсиз қилмас. Ақлинг бўлса, оқилга эргаш. Ақлинг бўлмаса - нақлга. Ақли иш-қанотли кўш. Ақл инсон учун берилган зийнат. Ақл ўргатувчиси кўп бўлган ишдан фойда чиқмайди. Ақли одам бошқаларнинг хатосидан ибрат олади. Ақли бахт топар, бахт билан тахт топар.



Хитой машинасозлари томонидан яратилган минн-тракторлар фермер ва кичик хўжаликларга мос бўлиб, унинг ёрдамида қатор деҳқончилик ишлари амалга оширилади. Бундай мўъжаз агрегатларни бутлаш вази-фаси эса «Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти қонсурадорлик ва технолология ишоний топширилди.

НАМУНА НУСХАСИ

Қисқа вақт ичида хитой агрегатларидан 650 таси тайёр ҳолга келтирилди. Уларнинг ҳар бири 30 от кучи қувватига эга. «Тошкент трактор заводи» корхонаси хитой машинасозлари тажрибасига асосланиб, ўзинида мустақил минн-тракторлар намуна нусхаларини яратишти. Бу агрегатлар давлат синоивдан яхши ўтгач, кўп нусхада ишлаб чиқаришга киришилапти.

Н.ҚАРШИЕВ А.АЛИЕВ

ОЧИК УСТУН ҚОЛМАДИ

Бунақаси камдан-кам бўлади. Синчков мухлислар шу кунгача Фарғонанинг «Нефтичи» жамоаси кўрсатаётган натижаларга ажабланиб қараб келаятган эдилар. Чиндан-да, Юрий Саркисян шогирдлари бу мавсумни антика тарзда бошлашди ва чамаси шу қўйи тугатишди. Гап шундаки, жамоа ҳеч қачон қайда этилмаган даражада кўп мағлубиятга учради ва энг кизиги, 21-тургача бирорта битнига имзо чекмади. Ниҳоят, Жиззахда «Сўғдийна» билан бўлган учрашувадак нурониз дураниг бу аънаёга чек қўйди. Бошқача айтганда «Нефтичи» жамоасининг «дураниглар устун»да ҳам рақам пайдо бўлди.



Турнирнинг қолган ўйинлари у ёки бу томоннинг устунигиде ўтди. Мехмонда тўп сурган «Пахтакор»дан бошқа клублар сафар учрашуварларини мағлубият билан «нишонлашти». Вақтинча жамоа бошқарувини қўлга олган Равайн Ҳайдаров аста-секинлик билан «Пахтакор» мавқени мустаҳкамлашда давом этмоқда. Зеро мамлакатнинг амалдаги чемпиони Бекободда «Металлург» устидан 3:1 ҳисобида зафар кучди. Таъкидлаш жоизки, «Пахтакор» нафақат тўпланган очколар, балки тўплар нисбатига кўра ҳам пешқадамликни ўзида сақлаб келмоқда. Чемпионат медалларига асосий даъвогар бўлган «Насоф» ва «Машъал» учун ҳам ушбу тур хайрли якун топди. Мағлубиятлар серияси гирдобига тушиб қолган қаршиликлар бу гал шиддатли ҳужумлар эвазига «Самарқанд-Д» жамоасини йирик мусобақа мағлуб этишга муваффақ бўлдилар - 3:0. Иш-таха овқат пайтида келадиганларидек, «Машъал»нинг қадам олишлари

тобора шахдам бўлиб бо- раёттир. Муборакликлар ўзига хос ўйин ҳосил этган, анчагина кучли таркибга эга бўлган «Локомотив» қаршиликни энгиб, навбатдаги оч қочони қўлга киритдилар. Моҳир ҳужумчи Шухрат Мирхондиршо-ев ушбу учрашувада икки голга муаллифлик қилиб, чемпионат тўпурари бўлишга астойдил қарор қилганлигини яна бир қарра намойиш этди. Умумий ҳисоб - 3:1. Наманган ва Тошкентда бўлиб ўтган ўйинларда

Турнир жадвали

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	20	16	2	2	64-11	50
2. «Насоф»	21	15	2	4	41-22	47
3. «Машъал»	21	15	1	5	45-22	46
4. «Навбахор»	21	10	2	9	26-21	32
5. «Нефтичи»	21	10	1	10	34-25	31
6. «Локомотив»	21	9	2	10	35-35	29
7. «Тўпаланг»	21	9	2	10	29-38	29
8. «Кизилқум»	19	8	4	7	23-19	28
9. «Трактор»	21	9	1	11	35-40	28
10. «Бухоро»	21	8	1	12	31-46	25
11. «Металлург»	21	7	2	12	26-35	23
12. «Самарқанд-Д»	20	6	3	11	17-27	21
13. «Сўғдийна»	21	5	4	12	11-39	19
14. «Шўртан»	21	4	1	16	17-49	13

ТАРБИЯЧИЛАР БАҲСИ

Мамлакатимизда қаровсиз қолган болаларни ҳам спортга жалб қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган футбол мусобақаси шулар жумласидандир. Иккинчи бор ташкил этилган «Ёшлик клуби» деб номланган маъруз турнир меҳрибонлик ўйларидаги ёш футболчилар қалбида илқ таассурот қолдирди. Мусобақа «Ёшлик кўнгили спорт жамияти», Халқ таълими вазилиги, Республика болалар спортни ривожлантириш жамгармаси ҳамда Меҳрон спорт хайрия жамгармаси кўмағида ташкил этилди. Меҳрибонлик ўйлари раҳбарлари ҳам ушбу мусобақани ўтказишда фаол иштирок этишди. Ети жамоа иштирок этган мусобақада ўйинлар икки гуруҳга бўлинган ҳолда олиб борилди. Гуруҳларда дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар ярим финалга йўланма олишти ва ўзаро ўйинларда финал ҳақида учинчи ўрин учун баҳс юритувчи жамоаларнинг номи аниқ-

ланди. Учинчи ўрин учун кечган беллашува мусобақада биринчи бор иштирок этаётган Чирчиқ шаҳридаги 14-сонли меҳрибонлик ўйидан ташриф буюрган ёш футболчилар пойтахтимиздаги 31-меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиларига қарши тўп суришти. Мурсосиз кечган ўйиннинг асосий вақтида 1-1 ҳисоби қайд этилган бўлса, пенальтилар сериясида омад Чирчиқ шаҳри вакилларига қўли боқди. Хал қилувчи финал ўйинларида эса Тошкент шаҳридаги 20-ханда 22-меҳрибонлик ўйлари жамоалари майдонга чиқиди. Қизилқум ўйинида 22-меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиларининг қўли баланд келди.

Мусобақа сўнггида иштирокчилар ҳамда меҳрибонлик ўйлари қошидаги бадий жамоалар томонидан тайёрланган концерт дастурлари намойиш этилди.

Кўнгиллари ром этиб

Гулистон шаҳридаги «Шохруҳ» болалар спорт мажмуаси иш бошлаганида унинг аъзолари сони йигирмадан ошмас эди. Бугун бу ерга 150 нафардан

зиёд ўғил-қиз катнамоқда. Улар тажрибали мураббийлардан спортнинг бокс, айқидо, кикбоксинг, каратэ, стол тенниси каби турлари бўйича сабоқ олмақда. Мажмуада яратилган шарт-шароит ва ўтказилаётган тизимсиз машғулотлар ўз самарасини бермоқда. Ёш спортчилар вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Хусусан, Муҳаммад Ашуров, Жаҳонгир Абдурахмонов, Фазалиддин Шарипов каби истеъдодли ёшлар ўз вази тоифасига каратэ бўйича вилоят чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Ёшларга Икромжон Ортиқов, Ринат Попов, Мурод Абдувоҳидов каби тажрибали спортчилар устозлик қилмоқда. Улардан сабоқ олаётган ёшлардан ўн нафари болалар ва ўсмирлар ўртасида шу йил сентябрь оёида каратэ бўйича Ўзбекистон кубоғи учун ўтказилган беллашуварда иштирок этиб, Элёр Қўчқоров ўз вази тоифасида иккинчи ўринга сазовор бўлди. Кикбоксинг секцияси аъзолари эса республика очик чемпионатида қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Ташриф хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-ўй. Нашр қуратқачи: 133; 134 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сатува эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-ўй.

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси